



**EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!**

**2018-YIL – FAOL TADBIRKORLIK, INNOVATSION  
G‘OYALAR VA TEXNOLOGIYALARNI  
QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-METODIK JURNALI**



**2017-12**

## MUNDARIJA

### 2018-YIL – FAOL TADBIRKORLIK, INNOVATSION G‘OYALAR VA TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

**Б.Абдуллаев.** 2017 йилда Урганч Давлат университетига ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар.....3

### 17-DEKABR – MUHAMMAD RIZO OG‘AHY TAVALLUD TOPGAN KUN

**Д.Ғайипов.** Огаҳий газалларининг жанр хусусиятлари.....7

### SHAROF RASHIDOV TAVALLUDINING 100 YILLIGIGA

**N.Madraximova.** Sharof Rashidov ijodining bugungi o‘zbek adabiyotidagi o‘rni haqida ba’zi mulohazalar.....11

### TIBBIYOT

**К.Шукурлаев, Ж.Юлдашев, Э.Якубов.** Изучение некоторых сторон механизма антифлоггистического действия нового производного тиомочевины.....15

**С.Машарипов, З.Атаджанова, Н.Уллиева.** Сополимеризация винилхлорида с непредельными производными 2-аминобензимидазола в суспензии.....19

### FALSAFA

**Ғ.Сапаев.** Ўзбекистонда динлараро ҳамжиҳатлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда миллий-маънавий меросимизнинг аҳамияти.....23

**Қ.Қабуллов.** Ўзбекистонда миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг миллий модели ва унинг демократик-гуманистик моҳияти.....26

### IQTISODIYOT

**Г.Шаназарова.** Саноат корхоналари инновацион салоҳиятига таъсир қилувчи омиллар таснифи.....30

**М.Сайидова.** Иқтисодий тараққиётнинг янги босқичи.....38

### TILSHUNOSLIK

**Ғ.Тўраева.** Тил бирликларининг вазифавий жиҳатларига доир айрим мулоҳазалар.....42

**Ш.Абдуллаева.** Тилнинг синергетик табиатига доир айрим фикрлар.....45

**Г.Носирова.** Эмотив тусларнинг тил бирликларида юзага келиши.....47

**Ш.Рамазанова.** Словообразовательная семантика композитов.....50

### ADABIYOTSHUNOSLIK

**Т.Хо‘jayev, М.Са‘dullayeva.** Navoiy “Mahbub ul-qulub” asarining ikkinchi qismidagi hikoyatlar va ularning mavzulari haqida.....55

**И.Сулаймонов.** Бобурнинг шахс руҳиятини тасвирлаш маҳорати.....58

### PEDAGOGIKA

**И.Турсуналиев, А.Аманов.** Ёш футболчиларни техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш дастурининг тузилиши.....64

**R.Ro‘zmetov.** Futbolchilarni turli tayyorgarlik tomonlarini nazorat qilish uslublari.....66

**D.Atadjonova, R.Ismayilova.** Maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashda oilaviy tarbiyaning ahamiyati.....70

**U.Kutlimuratov, R.Anvarova, S.Ozodova.** What Teachers Next Do Based on Jeremy Harmer’s Approach.....73

**U.Kutlimuratov, N.Matchanova, M.Madrakhimova, S.Palvanova.** Teaching Vocabulary and Designing Vocabulary Tests.....76

### ILMIY AXBOROT

**Ж.Саидов.** О сущности и происхождении понятия “Наркотрафик”.....79

**Р.Давлатова.** Ўзбек тилида макон дейксиси ва унинг ифодаланиши.....83

**Н.Садуллаева.** Йигиқ гап – синтактик бирлик.....86

**Д.Каримова.** Таржима – аслиятнинг афfirmатив акси.....88

### TANQID VA TAQRIZ

**С.Жепбарова.** Махтумқулининг ўзбек тилидаги таржималарига бағишланган баъзи тадқиқотларга бир назар.....91

**Ҳ.Абдуллаев.** Ҳар тўқисда бир нуқс.....95

ринчидан, эътикод жихатдан маънавий аҳамиятга эга бўлса, иккинчидан, ёшларда мафкуравий иммунитетни оширишда гоёвий жихатдан самара бериши, шубҳасиз.

Қосимбой Қабулов (УрДУ)

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШИНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ВА УНИНГ ДЕМОКРАТИК-ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ

*Аннотация.* Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллий манфаатларни ҳимоя қилишининг миллий моделлари яратилиши ва унинг демократик-гуманистик моҳияти ёритилган.

*Аннотация.* В статье освещается процесс создания национальной модели защиты национальных интересов Узбекистана и её демократико-гуманистическая сущность.

*Annotation.* In this article there were illustrated the creation of national models of guarding national benefits and its democratic-humanistic role in Uzbekistan.

**Калим сўзлар:** манфаат, миллий манфаат, миллий модель, ўзбек модели, Ҳаракатлар стратегияси, инсон ҳуқуқлари.

**Ключевые слова:** интерес, национальный интерес, национальная модель, узбекская модель, Стратегия действий, права человека.

**Key words:** benefit, national benefit, national model, Uzbek model, Action strategies, human rights.

Инсоният тарихий тараққиётининг асрлар мобайнида эволюцияси натижасида шаклланган миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлашуви, халқаро муносабат субъектларининг: уруғчилик, қабилачилик муносабатлари инқирозига ҳам, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишига ҳам, овчилик ва содда қишлоқ хўжалигидан постиндустриалашган ва ахборотлашган жамиятига ўтишига ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Зеро, бу жараённинг аҳамияти, айнан мана шундадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умуминсоний ва миллий манфаатлар уйғунлашуви (миллий-маъмурий ва географик чегаралардан ташқаридаги) барча халқаро муносабат йўналишларини ўзаро функционал мувофиқлаштирувчи, дунё ҳамжамияти томонидан расмий эътироф этилган норматив ҳужжатлар тизимини тақозо қилади. Уларнинг ҳуқуқий мақоми ва функционал аҳамияти миллий манфаатларни ҳимоя қилиб, умуминсоний манфаатлар билан органик уйғунлашув жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишида намоён бўлади.

Энг муҳими, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиши ва умуминсоний манфаатларга уйғунлаштириши, уларнинг имплементацияси билан ҳал бўлмайди. Бунинг учун миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришга оид халқаро ҳуқуқий нормаларнинг зарурияти ва аҳамияти халқ, миллат онгига сингиб, турмуш тарзига айланиши керак. Бу изчил ҳуқуқий-маърифий ишлар олиб боришни, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятни талаб этади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида асосий вазифа бўлиб қолди. Чунки ҳар қандай миллий манфаатларни ҳимоя қилиш моделлари Ер юзида истиқомат қилаётган барча этнодемографик қатламларни ва инсон манфаатларининг конкретлашган ментал хусусиятларини намоён қилади. Бошқача қилиб айтганда, давлатлар ва миллатларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши, уларнинг ўз иши бўлса-да, уларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, иқтисодий ва илмий-техник имкониятларини ўзаро бирлаштириш усул-воситаларни такомиллаштириш ҳозирги замон халқаро муносабатларида алоҳида аҳамият касб этиб, БМТ даражасидаги халқаро форумларда муҳокама қилинмоқда.

Шунга асосан, Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш масаласида қабул қилинган қонунлар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг низом ва қонунлари, жумладан:



– халқаро доирадаги инсон ҳуқуқлари (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар)ни ҳимоя қилишга қаратилган;<sup>1,2</sup>

– экологик вазиятни мувозанатини таъминлаш ва экологик муаммоларни ечишга қаратилган;<sup>3</sup>

– халқаро терроризм хавфини олишга қаратилган<sup>4</sup> ихтисослаштирилган муассасалари низомлари, қатор халқаро битимлар қабул қилинган бўлиб, улар халқаро доирада давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзига хос миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришнинг миллий қонунчилик асосларини яратишга ва қатор халқаро ҳуқуқий нормаларни имплементация қилишга муваффақ бўлди. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик-гуманистик тамойилларга асосланиши мамлакатимизнинг халқаро майдонда мавқеини оширишга кенг имконият яратди.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларининг Республика-миз ҳаётига жорий этилиши (имплементацияси), умуминсоний манфаатларни эътироф этиш намунасидир. Чунки “Инсон ҳуқуқлари” халқаро ҳуқуқ институтларидан бири ҳисобланиб, инсонларнинг миллати, ирқи, конфессияноал мансублиги, сиёсий мақеи, мафқуравий позициясидан қатъий назар, манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий, умумэтироф этилган нисбатан универсал ҳуқуқий стандартларини ва тамойилларини белгилаб беради.

Ўзбекистоннинг “Мустақиллик декларацияси” кириш қисмида сиёсий мустақилликнинг миллий манфаатларга муносабати ҳақида “...ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга экани таъкидланди”,<sup>5</sup> деб қайд этилиши миллат тараққиёти стратегиясини белгиловчи энг долзарб муаммолардан бири, уни ҳал қилиш эса устувор вазифа ҳисобланишини кўрсатади.

Зеро, фуқаролик жамиятида миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлашуви, *бир томондан*, тарихий тараққиётнинг объектив қонуниятлари бўлиб, ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти ва адолатли демократик давлат қуриш эҳтиёжларидан келиб чиқади ва унинг истиқболларини белгилайди. *Иккинчи томондан*, ҳозирги даврда халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа муносабатларни глобал бошқариш жараёнида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш умуминсоният цивилизациясининг барқарор ривожланиш тенденцияларига ва стратегик мақсадларига мос келади.

Шунга кўра, республика-миз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, миллий манфаатларни муҳофаза қилиш, уларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш масаласи, давлат сиёсати марказига қўйилди. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ тажрибалари ўрганилиб, ижодий фойдаланишга асосланган тараққиётнинг тарихий “Ўзбек модели” ва ҳозирги “Ҳаракатлар стратегияси” миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимининг барпо этилишига, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишига асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган Миллий хавфсизлик Концепцияси ва барқарор тараққиёт стратегияси: Конститу-

<sup>1</sup> Женева, 1973 йил 26 июнь. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош конференциясининг 58-сессиясида қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-140-сонли қонунига мувофиқ ратификация этилган.

<sup>2</sup> БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”си Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2009 йил 27 февралда имзоланган.

<sup>3</sup> ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш Конвенцияси, Иқлимнинг ўзгариши ва биологик турларни сақлаш тўғрисидаги конвенция” (1994).

<sup>4</sup> “Терроризмнинг олдини олиш ва унинг учун жавобгарлик тўғрисида”, “Халқаро жинойят судини тузиш тўғрисида”. Ушбу конвенциялар ўша пайтда кучга кирмаган (“Терроризмнинг олдини олиш ва унинг учун жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияни фақатгина Ҳиндистон ратификация қилган эди).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллик декларацияси”. 1990 йил 20 июнда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари. Т., “Адолат”, 2000.

ция, қонунлар ва бошқа халқаро Декларациялар, конвенциялар ва шартнома талабларига, дунё давлатлари қонунчилик тажрибаларига, умуминсоний демократик-гуманистик тамойилларга, манфаатларга мослиги билан жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Масалан, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси Стефан Приснер: “БМТнинг Ўзбекистондаги тузилмалари мамлакатингизнинг янги тараққиёт дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичида жуда долзарб саналади. Унда маъмурий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий ислохотлар, ижтимоий соҳани ривожлантириш, шунингдек, яқин қўшничилик, дўстлик ва миллатлараро бағрикенглик руҳида ташқи сиёсат олиб бориш кўзда тутилган.”<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан бориб, айна вақтда, ўз фуқароларининг ҳаёти ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига биноан, ўзини-ўзи мудофаа қилишдек ажралмас ҳуқуқини амалга оширади, давлатнинг ҳарбий қудрати ва мудофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди”,<sup>2</sup> деб белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида республикада қабул қилинган қонунларнинг барчаси, истисносиз, бевосита ёки билвосита миллий манфаатлар устуворлиги Конституцион қонунларга ва маънавий-ахлоқий тамойилларга асосланган. Яъни, Конституция “шахс-жамият-давлат” тизими манфаатлари ҳимоясига ва уларни уйғунлаштиришга оид энг асосий қомусий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”,<sup>3</sup> деб қайд этилган.

Шунингдек, мамлакатимизда миллий манфаатлар хавфсизлигини таъминлашга оид қонунчилик тизими комплекс характерга эга бўлиб, уларни қуйидаги соҳаларга ажратиш мумкин. Жумладан:

– соғлиқни сақлашга доир қонун ҳужжатлари мамлакат аҳолисининг соғлиги билан боғлиқ масалалари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни (1996 йил 29 август);

– Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда (1992 йил 8 декабрь) табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сақлаш ҳамда табиат бойликларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари;

– “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Мудофаа тўғрисида”ги қонунларида миллий манфаатлар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тамойиллари кўрсатилган.

Юқорида саналган қонунларнинг туб мақсади ва моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган, 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” Дастурида белгиланган вазифаларини “шахс-жамият-давлат” тизими манфаатларини умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш контекстида олиб қарайдиган бўлсак, ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги ва аҳамияти намоён бўлади.

Бу дастур миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашда 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

<sup>1</sup> <http://www.naesmi.uz>. Ҳаракатлар стратегияси барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (9.03.2017).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 105-1-сонли қарори билан қабул қилинган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2014, 6-бет.



фуқаролик жамиятини ривожлантириш”<sup>1</sup> Концепциясини амалга оширишнинг янги босқичидаги стратегик вазифаларини белгилаб берди. Концепцияда таъкидланганидек: “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий манфаатларини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”<sup>2</sup>.

“2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да бу кўрсатилган йўналишлар давлат сиёсатининг масалага комплекс-системали ёндашишида намоён бўлган. Жумладан, бевосита мавзуга алоқадор бўлган “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиш доирасида, республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир ташкилий асосларни кўрамиз.<sup>3</sup>

Булардан ташқари, бу дастурда ахборот соҳасида киберхавфсизликнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Умумлаштириб айтганда, бу стратегик вазифалар ички мантиқий изчилликка эга бўлиб, уларда республиканинг: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий миллий суверенитетлигини ҳимоя қилишидан иборат манфаатлар устуворлигини кўрамиз.

Агар “Ҳаракатлар стратегияси”нинг ҳар бир устувор йўналишида қўйилган конкрет вазифаларни таҳлил қиладиган бўлсак, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш масаласида ҳам, унинг амалий аҳамияти намоён бўлади.

---

<sup>1</sup> Каримов.И.А Мамлакатимизда Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш. Т., “Ўзбекистон”, 2010.

<sup>2</sup> Шу манба.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида (расмий нашр). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент, “Адолат”, 2017.